

ЭКСТРЕМИСТИК ФАОЛИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИДА СЎРОҚ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нурумбетова Садоқат Аллаяровна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси Илмий котиб

ю.ф.ф.д. (PhD),)доцент

Аннотация: Мақолада экстремистик фаолият билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган сўроқ тергов ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари ва асосан эътибор қаратилиши лозим бўлган саволлардан намуналар келтириб ўтилган

Калит сўзлар: етакчилар, фаоллар, жиноят иши, сўроқ хонаси, айблов, гумон қилинувчи, айбланувчи, психологик, тактик.

Сўнги йилларда мамлакатимиз конституциявий тузумига жиддий таҳдидлардан бирига айланган экстремизмга қарши курашиш замонавий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса, ўз навбатида, терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммоларидан бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда” деб сўзлаганлар .

Ўзбекистон экстремизм ва терроризм таҳдидлари ва зарарларини бошдан кечирган мамлакат ҳисобланади. Юртимизда ушбу иллатларга қарши крашиш, унинг сабабларини олдини олиш бўйича жаҳон ҳамжаиятига намуна бўла оладиган даражада ўзига хос тажриба шаклланган.

Экстремистик жамоаларнинг етакчилари ва фаол аъзолари турли хил ниқоблардан фойдаланган ҳолда тармоқланган бошқарув тузилмаларини шакллантирадилар, улар ёрдамида Ўзбекистоннинг стратегик мавқеини белгилайдиган жараёнлар ҳақида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги маълумотларни тўплашга ҳаракат қиладилар ва олинган маълумотларга асосланиб, фуқароларга турли мафкураларни сингдиришади, сепаратистик туйғуларни қўзғатишади, диний ақидапарастлик ва экстремизмни уйғотишади, тарбиялашади ва конституциявий мажбуриятларни инкор этиб, ўз издошларининг маънавий, руҳий ва жисмоний соғлиғига зарар етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишади.

Экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларидан бири сўроқ қилиш давомида олинган маълумотларни таҳлили

терговчига жиноят ва унинг жинойи-ҳуқуқий белгилари, содир этилиш усули ва воситалари, содир этишда гумонланаётган шахсни аниқлаш ва ушлаш имкониятини беради. Ушбу ҳаракатлар дастлабки ва келгуси тергов ҳаракати сифатида амалга оширилиши ҳам мумкин.

А.Я. Мехмоновнинг фикрига кўра, сўроқ қилиш – сўроқ қилинаётган шахсдан тергов қилинаётган ишга тааллуқли бўлган ва терговга қизиқиш уйғотган ҳолатлар тўғрисида далилий маълумотлар олишдан иборат тергов ҳаракатидир .

О.Я. Баевнинг фикрича, сўроқ анча мураккаб тергов ҳаракати бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақиқатни сўроқ қилинган шахс ҳаққоний гувоҳлик беришни зарур деб ҳисобламаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, сўроқ қилиш тергов ҳаракати давомида терговчи томонидан сўроқ қилинаётган шахснинг кўрсатувларида ўйлаб топилган ва алоҳида ўтказиб юборилган хатоларни ажрата олиш муҳим ҳисобланади .

Л. М. Крыжановскаяни таъкидлашигача, сўроқ қилиш тактикаси ушбу ҳаракатни амалга ошираётган терговчи учун қандай ахборот олиш кераклигини аниқлаш ва уни қандай усул ва воситалар билан амалга ошириш мумкинлигини тушуниш учун зарурдир. Бундан ташқари, сўроқ қилинган шахсда сўроқ давомида ўзини ҳимоя қилиш, ўзига қарши айбловларни рад этиш ёки бошқа керакли натижага эришиш учун маълум бир тактика ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак, одатда, бу гумон қилинувчи ва айбланувчига тегишли бўлади .

Фикримизча, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, жиноят ишини тергов қилиш давомида мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда сўроқ қилинаётган шахснинг процессуал мақомига қараб тегишли тактикани танлаш муҳим аҳамият касб этади. Жиноят ишини бўйича муайян иштирокчини тўғри ва моҳирона сўроқ қилиш учун терговчи юқори умумий ва касбий маданиятга эга бўлиши, инсон психологиясини чуқур билиши, тактик-криминалистик методларни усталик билан ўзлаштириши лозим.шунингдек, сўроқ қилиш тергов ҳаракати – жиноят ишини тўғри ҳал қилиниши мақсадида сўроқ қилинувчидан унга аён бўлган ва иш бўйича аҳамиятга эга маълумотларни олишдан иборатдир.

Сўроқ қилиш жараёнини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин:

- 1) сўроқ қилинувчидан иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни оғзаки тарзда сўраб олиш;
- 2) сўроқ қилинувчи томонидан баён қилинган маълумотларни янада аниқлаштириб, уни текширилаётган муайян ҳолатга тегишли эканлигига ишонч ҳосил қилиш;
- 3) сўроқ қилинувчидан олинган маълумотларни баҳолаш ва уни саралаб олиш;
- 4) сўроқ қилиш давомида олинган маълумотларни баённомада ва унга илова қилинадиган воситаларда қайд этиш.

Юқоридагиларга асосланиб, экстремизм билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда иш бўйича гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишдан аввал, тергов ҳаракатига ҳам тактик ва процессуал жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Сўроқ

қилинаётган шахснинг ҳар доим ҳам терговчи билан мулоқотга киришиб

кетмаслиги, сўроқ давомида ёлғон ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар бериши тергов ҳаракатини мураккаблашишига олиб келади. Агар шахс терговчига ишда маълум бўлган барча ҳолатларни ихтиёрий равишда маълум қилса ҳам, сўроқ пайтида хатолар, ихтиёрсиз бузилишлар, нотўғри тушунчалар, ҳатто уйдирмалар юзага келиши мумкинлигини инобатга олиб, бу ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда кўрсатувларни баҳолаш ва ундан фойдаланишда эътиборга олиш талаб этилади. Айниқса, экстремизм билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича процесс иштирокчиларини сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг самарадорлигидаги тактик тайёргарлик муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки, бу каби жиноятлар ўз белгиларига кўра зўравонлик ва шафқатсизлик билан содир этилганлиги боис, жабрланувчи ва гувоҳлар руҳиятида қўрқув, таҳлика каби ҳиссиётларни уйғотиб, мавжуд диний ва маданий қадриятларга ҳамда келажакка нисбатан ишончсизликни билдиради ҳамда мавжуд қонун қоидаларга норозиликнинг шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Шу сабабли, терговчи сўроқ қилинувчи шахс тўғрисида етарли маълумотга ега бўлиши, сўроқ қилинувчи шахснинг ўрнига фикран ўзини қуйиб, унинг руҳий кечинмалари ва ҳолатини тасаввур қилиб, жиноят процессуал қонунчилик ҳамда маънавият чегарасида ўзида мавжуд бўлган далиллар ва йўналтирувчи ахборотдан тўғри фойдалана олиши лозим. Шунингдек, руҳият талабларини билиш терговчига гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ёлғон кўрсатув бераётгани ёки ҳақиқатни яшириб ёлғон сўзлаётгани каби хатти-ҳаракатларининг маъзини чақишга имкон беради.

Сўроқ қилинувчи қандай сабабларга кўра ҳақиқатни ошкор қилмаслигини кўрсатувчи омилларни бартараф этишга кўмаклашади. Унга оқилона йўл тутишни кўрсатиб, тактик қоидаларни қонун ва илм-фан талабларига тўғри бўлган сўроқ қилишнинг асосланган усулларни танлашга ёрдам беради. Сўроқ қилинувчи билан руҳий алоқа боғлаш уни терговчи билан руҳий томонидан соғлом, мувозанатга ега муносабатга киришишлари тушунилади. Ушбу муносабатлар тергов қилаётган жиноятга нисбатан ҳақиқий, тўлиқ ва асосли кўрсатувларни қўлга киритишга замин яратади.

Қўрқув таъсири остида иккиланиши оқибатида бўлиб ўтган ҳодисани сезиларли даражада бўрттириб ёритишни олди олинади. Шунингдек, нотўғри шаклланган тушунчаларга бўлган фикрлашни тўғри йўналтиришга имкон яратади.

Шу боис, жиноят содир этилган жойни кўздан кечиргандан сўнг (агар ариза ва мурожаат асосида экстремистик фаолият билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида хабар берилган бўлса ва ҳодиса жойини эмас шахсни ўзини текшириш зарурати бўлса ҳам)

имкон қадар тезлик билан мазкур шахсларни сўроқ қилиш зарур бўлади. Агар шундай қилинмаса, унутиш жараёни хотирадаги содир этилган ҳодисанинг муҳим тафсилотларининг йўқолишига олиб келиши, жабрланувчи ва гувоҳ манфаатдор шахсларнинг таъсири ва босими остига тушиб қолиши ёки гумон қилинувчи (айбланувчи) маълумотларни ўзгартиришга ҳаракат қилиши мумкин бўлади ва ҳоказо.

Ўз вақтида олиб борилган сўроқ терговни «иссиқ из»лар бўйича ташкил қилишга имкон беради. Жиноятчиларнинг ташқи кўриниш белгиларини аниқлайди, уларни қўлга олишни ташкиллаштиради ва манфаатдор шахсларнинг жабрланувчи ёки гувоҳга ўтказиши мумкин бўлган таъсирини чеклайди (таҳдид қилиш, қўрқитиш, сотиб олиш, ёлғон кўрсатув беришга кўндириш ва ҳоказолар орқали).

Назаримизда, кўп жиҳатдан олинган маълумотларнинг ҳақиқатга мослиги сўроқ қилинаётган шахснинг кайфиятига, яъни тергов билан ҳамкорлик қилиш ниятида ёки аксинча бўлишига боғлиқ бўлади. Тайёргарлик жараёнида ёки тўғридан-тўғри сўроқ қилинаётган вақтда терговчи экстремистик фаолият билан боғлиқ жиноятларга тегишли маълумотларни ёки кўрсатувларни мустаҳкамлашдаги бир қатор масалаларни ҳал этиш учун қуйидаги саволларни бериш тавсия этилади:

- гумон қилинувчининг оилавий аҳволи, оила аъзоларининг диний қарашларга мойил ёки мойил эмаслиги, диний ва дунёвий билим даражаси, мутахассислиги бўйича ишлаши ёки ишламаслиги сабабалари, қандай манбалар ҳисобидан кун кечириши;

- Норасмий, диний-сиёсий экстремистик оқимлар таъсирига дучор бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар;

- Мазкур оқимларга қачон, қандай ҳолатда, ким томонидан (даъват этган шахснинг исми ва фамилияси, шахсига оид бошқа маълумотларни иложи борича батафсил аниқлаш), қаерда ва кимларнинг иштирокида (“ҳалқа” аъзоларини аниқлаш) жалб этилганлиги, оқим ғоялари бўйича машғулотлар ким томонидан, қаерда ва қандай диний адаюиётлар ёрдамида (адабиётларни номини кўрсатган ҳолда) ва кимлар билан биргаликда ёки алоҳида тарзда ўргатилганлиги;

- Машғулотларни олиб борувчи мушрифлар ва уларда иштирок этувчи дорусларнинг ҳар бири ҳақида тўлиқ маълумотлар (фамилияси, исми ёки тахаллуслари, яшаш, ишлаш жойлари, агар исмини билмаса, ташқи қиёфаси ҳақидаги маълумотлар), улар билан бўлган ўзаро алоқалар тартиби (телефон рақамлари аниқлаш ва бошқалар);

- Ушбу шахснинг экстремистик жиноий уюшма ёки гуруҳнинг мақсади нимадан иборат эканлигини билиш-билмаслиги, айниқса, конституциявий тузумга қарши даъватлари, халифаликни барпо этишнинг йўл-йўриқларидан хабардор ёки хабардор эмаслиги;

- Қачон, қаерда, қандай ҳолатда, кимларнинг иштирокида мазкур оқим аъзолигини қабул қилиш тўғрисида қасам ичгани, юқори лавозимдаги “ҳизб”

раҳбарлари (мушриф, нақиб ёрдамчилари, нақиб, мусаид, масъул, мутаъмад)дан кимларни билишлиги (уларнинг ҳар бири ҳақида аниқ маълумотлар).

Шу каби ишнинг моҳиятига тегишли саволлар берилиши, уларни терговчи ёки суриштирувчи сўроқ тергов ҳаракатидан олдин ўзи учун аниқлаштириб олиши муҳим ҳисобланади. Саволлар доирасини кенгайтириш терговчи (суриштирувчи)нинг маҳоратига боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.Мнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 2017 йил 22 декабрь // Parlavent.uz.
2. Мехмонов А.Я. Сўроқ қилиш тергов ҳаракати сифатида: уни амалга ошириш туралари ва тактикаси. SCIENTIFIC PROGRESS. www.scientificprogress.uz P. 981-985.
3. Тактика следственных действий: учебное пособие / Баев О. Я. – М.: Юрлитинформ, 2018. – 456 с.
4. Крыжановская Л. М. Основы криминалистической тактики // Теория и практика общественного развития. 2016. – № 3. – С.123-131.
5. Тенгизова Ж.А., Джумаева Р. Х. Допрос как следственное действие: порядок проведения и отличительные особенности // Теория и практика общественного развития. 2014. № 18. С.98-99.
6. Литвинов М. В. Пробелы в теории и тактике допроса // Вестник КРУ МВД России. 2015. – № 4. – С.172-174.